

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марга чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Хотин-қизлар ва оилаларга молиявий кўмак берилади

Вазирлар Маҳкамаси Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисида низомни (1.04.2018 йилдан бошлаб амалга киритилмоқда) тасдиқлади ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолияти тартибини белгилади.

Иккала ҳужжат Президентнинг 2.02.2018 йилдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон Фармони ижро этиш мақсадида қабул қилинди.

Фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишловчи мутахассис бўлади

Лавозим жорий йил 1 апрелдан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ўрнига штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасига ўтказган ҳолда жорий этилмоқда. Оилалар сони 2 000 гача бўлган фуқаролар йиғинида битта мутахассис, оилалар сони 2 000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан мутахассис ишлайди.

Қуйидагилар мутахассиснинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,

- уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- оилаларнинг репродуктив саломамлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш;

- эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш;

- хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси бўйича ёрдам бериш ва бошқалар.

Мутахассис лавозимига олий маълумотга эга бўлган, камида 5 йил тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудда доимий яшаётган, оиласи, турмуш-тарзи, ҳуқ-оқибига кўра ижобий тавсифланган хотин-



қизлар тайинланади. Судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар ишга тайинланиши мумкин эмас. Бу лавозимга шахс фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тавсиясига асосан туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси раиси томонидан тайинланади.

Мутахассис фаолиятининг самарадорлигини ҳар йили ҳудудий хотин-қизлар кўмитаси баҳолайди. Бунда қуйидаги асосий кўрсаткичлар динамикаси таҳлил қилинади:

- иш билан таъминланмаган меҳнат ёшидаги хотин-қизлар сони;

- тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланишга жалб этилган хотин-қизлар сони;

- ажрашишлар ва ажрашишдан сақлаб қолинган оилалар сони;

- 17 (16) ёшга тўлмасдан турмушга чиққан, шундан фарзандли бўлган қизлар сони;

- хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, шунингдек ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари сони.

Эҳтиёжманд хотин-қизларга жамоат фонди моддий ёрдам кўрсатади

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Фонд

муассислари бўлиб чиқмоқда. Моддий ёрдам кўрсатишдан ташқари, Фонд хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда, талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашади.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан 300 млрд сўмгача маблағ ажратилади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар молиялаштиришнинг бошқа манбалари бўлиши мумкин.

Маблағлар, шу жумладан турар жой билан таъминлашга бошланғич бадалларни қайтарилмаслик шарти билан тўлаб бериш шаклида йўналтирилиши мумкин. Бундай имтиёзлар қуйидаги хотин-қизларга берилади:

- ногиронлиги бўлган;

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган;

- кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган.

Жамоат фонди васийлик кенгаши шахсий таркибига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси бошчилиги қилади.

Ҳужжатлар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 16.03.2018 йилдан кучга кирди.

2018 йилда амалдаги таътил ва таътил ҳақи миқдори қандай ҳисобланади

Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (17.03.2018 йилда 2985-сон билан рўйхатдан ўтказилган) эълон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 28.12.2017 йилдаги ПФ-5290-сон Фармони билан 2018 йилда 3 та қўшимча дам олиш кун: 2 январь, 20 март ва 31 август берилган. Улар бюджет ташкилотлари ходимлари учун мажбурий. У ерда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилининг амалдаги муддатини қисқартириш билан компенсацияланади.

Бюджет ташкилотлари ҳисобланмаган ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари молиявий имкониятлардан келиб чиқиб ҳамда иш берувчиларнинг касаба уюшмаси кўмиталари билан кел-

лишувига кўра қабул қилинадиган жамоат шартномалари ёки бошқа локал ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда таътиллارнинг амалдаги муддати ва таътил ҳақи ҳисоб-китобини тартибга солувчи махсус Йўриқномани қабул қилиш топширилди.

Ҳужжатни қўллаш соҳаси

Қўшимча дам олиш кунлари фақат бюджет ташкилотлари учун мажбурий бўлгани боис Йўриқнома айти уларнинг ходимларига нисбатан қўлланилиши

мўлжалланган. Бошқа ташкилотлар учун ҳужжат тавсия тусига эга.

Йўриқнома қоидалари айрим таътиллارга нисбатан таътил этилмайди, сабаби уларни қисқартиришга рухсат берилмайди. Уларга қуйидагилар кирди:

- ижтимоий таътиллари – ҳомиладорлик ва туғиш, болани парваришлаш, ўқиш билан боғлиқ ва ижодий таътиллари (МКнинг 149-моддаси);

- 18 ёшга тўлмаган шахслар, шунингдек ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлари учун йиллик узайтириладиган асосий таътиллари (МКнинг 135-моддаси биринчи қисми).

Ўртача иш ҳақи қандай ҳисоблаб чиқилади

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда таътил бериладиган иш йилидан келиб чиқиб зарур (календарь йилга мос келмаслиги мумкин). Бунда Йўриқномада меҳнатга ҳақ тўлашнинг 3 та тизими учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартиби белгиланган.



2018 йилда амалдаги таътил ва таътил ҳақи миқдори қандай ҳисобланади

Вақтбай ҳақ тўлашда	Ишбай ҳақ тўлашда	Тарифсиз ҳақ тўлашда
Ходим 12 ойдан ортиқ ишлаган бўлса: Ср = Тс + Дв / 12, бунда: Ср – ўртача иш ҳақи; Тс – ҳисоб-китоб кунидagi тариф ставкаси (лавозим маоши); Дв – олдинги 12 ой учун давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар ушланган барча қўшимча тўловларнинг умумий суммаси.	Ходим 12 ойдан ортиқ ишлаган бўлса: Ср = Тс + Дв / 12, бунда: Ср – ўртача иш ҳақи; Тс – ишлаб чиқариш нормаси учун тариф ставкаси (лавозим маоши); Дв – олдинги 12 ой учун давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар ушланган, шу жумладан ишлаб чиқариш нормасини оширганлик учун барча қўшимча тўловларнинг умумий суммаси.	Ходим 12 ойдан ортиқ ишлаган бўлса: Ср = Тс + Дв / 12, бунда: Ср – ўртача иш ҳақи; Тс – Ягона тариф сеткаси (бундан кейин – ЯТС) бўйича 1-разряд учун тариф ставкаси; Дв – олдинги 12 ой учун давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар ушланган, ЯТС бўйича 1-разряд учун тариф ставкасидан ортиқ барча қўшимча тўловларнинг умумий суммаси.
Ходим 6 ойдан 11 ойгача ишлаган бўлса: Ср = Тс + Дв / ишлаган ойлар сони, бунда: Ср – ўртача иш ҳақи; Тс – ҳисоб-китоб кунидagi тариф ставкаси (лавозим маоши); Дв – олдинги (6 ойдан 11 ойгача) ишлаган ойлар учун давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар ушланган барча қўшимча тўловларнинг умумий суммаси.	Ходим 6 ойдан 11 ойгача ишлаган бўлса: Ср = Тс + Дв / ишлаган ойлар сони, бунда: Ср – ўртача иш ҳақи; Тс – ишлаб чиқариш нормаси учун тариф ставкаси (лавозим маоши); Дв – олдинги (6 ойдан 11 ойгача) ишлаган ойлар учун давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар ушланган, шу жумладан ишлаб чиқариш нормасини оширганлик учун барча қўшимча тўловларнинг умумий суммаси.	Ходим 6 ойдан 11 ойгача ишлаган бўлса: Ср = Тс + Дв / ишлаган ойлар сони, бунда: Ср – ўртача иш ҳақи; Тс – ЯТС бўйича 1-разряд учун тариф ставкаси; Дв – олдинги (6 ойдан 11 ойгача) ишлаган ойлар учун давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар ушланган, ЯТС бўйича 1-разряд учун тариф ставкасидан ортиқ барча қўшимча тўловларнинг умумий суммаси.

Изоҳ: Юқорида келтирилган формулалар йўриқноманинг нормалари осон тушунилиши учун муаллиф томонидан тузилган. Улар билан ишлашда ҳужжат матни билан яқиндан танишиб чиқиш ва унга риоя этиш лозим.

Амалдаги таътил қандай ҳисобланади

Йўриқномада МКнинг 134-моддасига мувофиқ йиллик асосий меҳнат таътили 15 иш кунидан кам бўлмаслиги кераклиги инобатга олинган. Шу сабабли унинг муддати куйидагича бўлганда:

- 15 иш куни – қисқартирилмаслиги;
- 16 иш куни – қисқартириш 1 иш кунидан ошмаслиги;

➢ 17 иш куни – қисқартириш 2 иш кунидан ошмаслиги;

18 иш куни ва ундан ортиқ – қисқартириш 3 иш кунидан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Бунда иш йили бир йўла 3 та қўшимча дам олиш кунини қамраб олмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳужжат билан муносиб компенсация таъминланган. Белгиланишича, таътилнинг биринчи куни куйидаги даврга тўри келса:

➢ 2018 йилнинг 3 январидан 21 мартгача – меҳнат таътили 1 иш кунига қисқартирилади;

➢ 2018 йилнинг 21 мартдан 1 сентябргача – меҳнат таътили 2 иш кунига қисқартирилади;

➢ 2018 йилнинг 1 сентябрдан охиригача – меҳнат таътили 3 иш кунига қисқартирилади.

Таътил муддати 6 кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб (ҳатто ташкилотда 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса ҳам) календарь бўйича аниқланади. Таътил муддатини ҳисоблашда унга тўғри келадиган дам олиш кунлари (якшанба), ишланмайдиган байрам кунлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча ишланмайдиган кунлар ҳисобга олинмайди.

Ишланган вақтга муносиб равишда ҳисоблаб чиқилмайдиган таътил муддати (пуллик компенсация миқдорини ҳисоблаб чиқишда ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат таътилидан фойдаланишда) стандарт равишда: белгиланган йиллик меҳнат таътилини 12 га бўлиш ва тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш орқали аниқланади. Бунда 15 ва ундан ортиқ календарь кунига тенг бўлган ортиқча кунлар бир ойгача яхлитланади, 15 календарь кунидан кам бўлган кунлар эса чиқариб ташланади. Йўриқномада бу ҳолда қўшимча дам олиш кунларини чегириш зарур деб айтилмаган.

Таътил ҳақи ва пуллик компенсация суммаси қандай ҳисобланади

Бунинг учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига томонидан 6 кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб ҳар йили тасдиқланадиган тегишли йил учун иш вақти баланси ҳисоб-китобини олиш зарур. 2018 йилда бу – 301 иш куни, ўрта ҳисобда эса ойига 25,1 иш куни.

Ўртача иш ҳақини 25,1 га бўлиш ва қўшимча дам олиш кунларини чегирмасдан белгиланган таътил кунлари сонига кўпайтириш зарур.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 17.03.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, Самир Латипов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Чиқиндилар билан ишловчи корхоналарга – кенг миқёсли имтиёзлар

Президентнинг 11.04.2005 йилдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармонида тегишли тузатишлар киритиш режалаштирилмоқда. Лойиҳа ҚХТБТ порталида жойлаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, Фармон билан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинмайдиган солиқ, мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Имтиёзларнинг амал қилиш муддати бундай инвестициялар ҳажмига боғлиқ:

- 300 минг АҚШ долларида 3 млн долларгача – 3 йил;
- 3 млн АҚШ долларида ортиқ \$10 млн долларгача – 5 йил;

➢ 10 млн АҚШ долларида ортиқ бўлганда – 7 йил.

Имтиёзлар иқтисодиётнинг айрим тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган ташкилотларгагина берилади. Лойиҳа тасдиқланган тақдирда, ушбу рўйхатга чиқиндилар билан муомала қилиш соҳаси ҳам киритилади.

Бунда имтиёзларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган чиқиндилар билан муомала қилувчи корхоналарга ҳам татбиқ этиш таклиф қилинмоқда. Уму-

мий қоидага кўра, у ерда имтиёзлар амал қилмайди, фақат туризм соҳаси ташкилотлари учун истисно қилинган.

Маълумот учун. Авалги лойиҳалардан бирида маиший чиқиндилар билан комплекс муомала қилувчи кластерларни барпо этиш лойиҳалари ташаббускорлари бўлган корхоналарга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари бериш таклиф қилинган.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Қўламазорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мевали. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этимиз

1-2-бетлар

• **НОРМАТИВ ЛОЙИХА**
– Чиқиндилар билан ишловчи корхоналарга – кенг миқёсли имтиёзлар 2-бет

• **РАСМИЙ ҲУҶЖАТЛАР**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:

– «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарори

3-4-бетлар

• **ҲУҶЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**

– Бировнинг товарини реклама қилмас;
– Бош бухгалтер битта бўлиши керак
– Зарар кўрганлар лицензиядан маҳрум қилинмайди

5-бет

• **МАЪЛУМОТ УЧУН!**

– МУИЦ резидентлари мажбурий аудиторлик текширувчидан ўтадилар 5-бет
• **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
– Кичкинтой учун прописка

– Фақат суд орқали
– Ҳужжатлар йўқолганда
– Ўзбекистонда туғилган бўлса
– Ишга пропискисиз?
– Ноёб мутахассис
– Паспорт режими бекор қилинган эмас
– Ўзгартиришлар қачон киритилади
– Муддатда қайтса
– Фақат Ўзбекистон фуқаролари учун
– Ҳокимлик илтимосномаси асосида

6-8-бетлар



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:

– «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР:

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Табийи газга қўшимча фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда.

Аҳоли учун валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни энгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда ривоз этиш ҳамда молиявий очиклини кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

биринчидан, кредитларни ажратиш бўйича қарор қабул қилишда ваколатлар ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўқсинлик қилмоқда;

иккинчидан, кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаб механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда;

учинчидан, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламайпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фойза ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортқча бюрократия ва сансалорлик учун замин яратмоқда;

бешинчидан, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлиги, узлуқсизлиги ва ишончлилиги даражасига таъсир кўрсатмоқда ва аҳолининг кенг қатламлари учун очик инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўқсинлик қилмоқда;

олтинчидан, кредитларни (микроқарзларни) кўриб чиқиш ва ажратиш учун хизмат ҳақлари ва бошқа тўловларнинг ундирилиши қарзнинг реал қиймати ошишига олиб келмоқда;

еттинчидан, шартномаларга хизматлар учун тарифлар, ажратилган кредитлар ва қабул қилинган депозитлар бўйича фойза ставкаларни бир томонлама ўзгартиришни назарда тутувчи шартларни киритиш, шунингдек, бир хизматни қўшимча хизматдан фойдаланиш шарти билан кўрсатиш банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузмоқда;

саккизинчидан, банк тўлов карталаридан чет эл валютасини ечиш бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва банкоматлар сонининг етарли эмаслиги валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишда хизмат кўрсатишни талаб даражасида таъминламайпти.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва инновацион ривожланишнинг тенденцияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиклик даражасини ошириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилангани, банк хизматларининг оммабоплигини оширишни таъминлаш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг таркибий тузилмасида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, молиявий очиклини ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш асосий вазифалари бўлган Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришда:

банк тизимида тизимли камчиликлар ва банк хизматлари

*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 24.03.2018 йилдаги 56 (7014)-сонида чоп этилган.

истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг олдини олишга;

банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чоралари қўрилишини таъминлашга;

банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда маслаҳат бериш ва кўмаклашмошга;

молиявий очиклик даражасини ошириш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан тижорат банклари:

дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш ҳудудига тўсқинликсиз кириш;

мижозларни дастлабки қабул қилиш маъмурият ҳодимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни олиш;

кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асосли рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шароитларни яратад.

4. Кредит ташкилотларига:

микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня), жавобгарлигининг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан ilgari қоплаш учун неустойка ундириш тақиқланади.

5. Тижорат банкларига:

банк фаолиятининг илгор халқаро тажрибасини ўрганиш ва банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

банк хизматларига бўлган талаб ва ўзини қоплашни инобатга олган ҳолда банк филиаллари ва мини-банкларни тармоғини кенгайтириш;

филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

а) 2018 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банклари томонидан белгиланган лимитлар доирасида нақд шаклда ечиб олиш механизмининг жорий этсин;

б) 2018 йил 1 апрелга қадар тижорат банклари билан биргаликда хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини амалга ошириш ва халқаро тўлов карталаридан пул маблағларини хорижий ва миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказишни таъминловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизимини жорий этсин;

в) 2018 йил 1 майга қадар:

банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатлар амалга оширилишида тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тижорат банкларига микроқарзлар ажратиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдирлар киритсин;

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари кредит ташкилотлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан

Марказий банк томонидан санкциялар қўлланилиши юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритсин;

потенциал қарз олувчининг кредитта лаёқатлилиқ даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш имконига эга бўлган кредит бюросида скоринг моделининг мавжудлиги бўйича талаб ўрнатилишини назарда тутувчи низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

г) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда банклар – маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технологик ўзаро муносабатларни таъминловчи ҳамда асосий вазифалари қўйидагилар этиб белгиланган Миллий банк процессинг марказини яратиш Концепциясининг ишлаб чиқсин; транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуқсиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш;

қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни ривожлантириш ҳамда ilgari суриш;

бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, аниққса, ҳудудларда жорий этиш;

халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиқни таъминлаш;

д) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда нрезидентларнинг тўлов карталари барча тўлов терминаллари тармоғи орқали қабул қилинишини таъминловчи маҳаллий тўлов тизимларини асосий халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш жараёнини тугалласин;

е) 2018 йил 1 ноябрга қадар тижорат банклари билан биргаликда туристлар кўпроқ борадиган жойларда куну тун режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон банклари ассоциациясига банк хизматлари оммабоплигини ошириш ва банк фаолиятини тақомиллаштиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тавсия этилсин:

Ўзбекистон банклари ассоциацияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш Концепциясини тасдиқласин;

банк тизими ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, илгор халқаро тажрибадан келиб чиқиб хорижий банклар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорига қўллаш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқиш, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиш юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш;

масофавий банк хизматлари кўрсатишини ривожлантириш бўйича замонавий ва илгор банк хизматларини амалиётда рўёбга чиқариш ташаббусларини ilgari суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш;

банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини аниқлаш ҳамда уларни кейинчалик республика банкларига таътиб этиш мақсадида илгор чет эл банкларининг фаолиятини ўрганиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқаролар учун ҳисобланган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг ҳисобланган сугурта бадаллари;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган қарздорликлари;

идентификациялаш учун жисмоний шахслар ва тadbirkorлик субъектлари;

жисмоний шахсларнинг мулки ва бошқа олган даромадлари;

юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюро ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашиш Ягона идоралараро ахборот тизимини яратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банклари филиаллар, мини-банклар ва автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларини ташкил этишга зарур бўлган ер устаскаларини ўрнатилган тартибда ажратишда кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган банкмаомалар тармоғини қўшимча кенгайтиришнинг 2018 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

*Қарорва иловалар берилмайдۇ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ТАБИИЙ ГАЗГА ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2018 йил 9 мартда рўхатдан ўтказилди, рўхат рақами 1909-4

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 12.03.2018 йилдаги 10 (822)-сон, 184-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сон қарори (рўхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзе-

тикорат банклари ва процессинг ташкилотлари томонидан олиб қилинадиган боғхона тўловлари тўлашдан (боғхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод этиладиган ускуналар, дастурий таъминот, тўлдирувчи ва бошқа материаллар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг айрим қисмларини қоплашда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган ёндашув услубини қўллаш асосида қайта кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 23 март
ПҚ-3620-сон.

Молия вазири
Д.КУЧҚАРОВ.
43-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2018-15-сон

Тошкент ш., 2018 йил 28 февраль.

ЎЗР МВ ва ДСҚнинг 2018 йил 28 февралдаги
43 ва 2018-15-сон қарорига
ИЛОВА

**ТАБИИЙ ГАЗГА ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БЮДЖЕТГА
ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 2-банднинг олтинчи хатбоҳиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«соф қўшимча фойда — қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ва давлат

мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган, ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир».

2. 3-банддан «солиғи ҳамда ободонлаштириш ва иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Илованинг 060-сатри қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, жами % ставкада: (050-сатр х %) »	060	АҚШ долл.		
---	-----	--------------	--	--

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ЦЕМЕНТГА ВА КЛИНКЕРГА ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАБ
ЧИҚАРИШ ВА БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2018 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-5

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 12.03.2018 йилдаги 10 (822)-сон, 185-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сон қарори (рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекис-

тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солигини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Молия вазири
Д.КУЧКАРОВ.
42-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2018-14-сон

Тошкент ш., 2018 йил 28 февраль.

ЎЗР МВ ва ДСҚнинг 2018 йил 28 февралдаги
42 ва 2018-14-сон қарорига
ИЛОВА

**ЦЕМЕНТГА ВА КЛИНКЕРГА ҚЎШИМЧА ФОЙДА СОЛИГИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА
БЮДЖЕТГА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«соф қўшимча фойда — қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни чегириб ташланган, ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир».

2. 3-банддан «солиғи ҳамда ободонлаштириш ва иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 1-иловада:
060-сатр қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, жами % ставкада: (050-сатр х %) »	060	минг сўм	
--	-----	----------	--

100-сатрнинг «Кўрсаткичлар» устунисидаги «*» белгиси чиқариб ташлансин; изоҳ чиқариб ташлансин.

4. 2-иловада:
060-сатр қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« Қўшимча фойдага тўғри келадиган қисми бўйича давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар, жами % ставкада: (050-сатр х %) »	060	минг сўм	
--	-----	----------	--

100-сатр «Кўрсаткичлар» устунисидаги «*» белгиси чиқариб ташлансин; изоҳ чиқариб ташлансин.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Бировнинг товарини реклама қиламиз

МЧЖ улгуржи савдо билан шугулланади. Биз хорижий компания билан унинг товарлари – бетон насосларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун контракт туздик. Ушбу бетон насослари, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмлари тасвирланган фирмамизнинг реклама баннери билан кўргазмада иштирок этмоқчимиз.

Бетон насосларини (сабаби асосий мақсадимиз – ЎзР ҳудудидида эҳтиёт қисмларни барқарор сотиш) реклама қилишга ҳақлимизми?

Ушбу хорижий компания билан қандайдир битим тузишимиз керакми?

Э.Каримова, бухгалтер.

– Ушбу вазиятда бетон насосларини реклама қилиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Бироқ буни бетон насосларига эҳтиёт қисмларнинг олди-сотди шартномасида кўрсатиш (ёки реклама тарқатиш тўғрисида алоҳида шартнома тузиш) зарур.

Амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар уларга бевосита алоқадор бўлмаган товарларни реклама қиладилар*.

Масалан, товарларни ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан сотувчи воситачилар уларни фаол реклама қиладилар. Воситачилик шартномасида бундай реклама қилишга розилик берилгани қайд этилиши керак.

Товар дистрибуторлари ҳам ишлаб чиқарувчидан бундай фаолиятга ваколат олмасдан туриб, сотилаётган товар рекламасини жойлаштирадилар.

Реклама қонуний, аниқ, ишончли, ундан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмаслиги шарт. Нотўғри реклама тақиқланади («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 13-моддалари). Шу сабабли реклама фаолиятини шартнома асосида юритиш лозим.

Кўриб чиқилаётган вазиятда корхона бетон насосларига эҳтиёт қисмлар сотиб олади, насосларни бевосита сотмайди. Корхона насосларни реклама қилса, бу ахборот реклама истеъмолчисини жалғитиши мумкин. Бундай рекламани нотўғри деб топиш хатари юзага келади. Бу ҳолда эҳтиёт қисмлар харидори насослар тўғрисида реклама тарқатишга сотувчининг роизилигини ва насосларга буюртма келиб тушганда уларни харидорларга етказиб бериш мажбуриятини олишини (алоҳида шартнома асосида) эҳтиёт қисмларнинг олди-сотди шартномасида назарда тутишини (ёки реклама тарқатиш тўғрисида алоҳида шартнома тузишини) тавсия этамиз. Шартномада реклама тўғрисидаги бандни назарда тутганда у қандай – текинга ёки ҳақ эвазига тарқатилишини кўрсатиш керак. Товар мажбурий сертификатланадиган бўлса (Рўйхат, ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова), уни фақат сертификат мавжуд бўлганда реклама қилиш мумкин (16-банд, АВ томонидан 6.04.2001 йилда 1024-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

*Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида тарқатиладиган ахборот. У юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида бўлиши мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН!

MUIC резидентлари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадилар

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадиган ташкилотлар рўйхати келтирилган. Булар – акциядорлик жамиятлари, банклар, сугурта ташкилотлари, фондлар, давлат корхоналари, биржалар.

Мазкур моддага охириги вақтларда ўзгартиришлар киритилмаганига қарамай, бундай ташкилотлар рўйхати кенгайтирилди.

Ўтган йили Мирзо Улуғбек Инновация маркази резиденти мақомини олган хўжалик юритувчи субъектлар ҳақида сўз юритилмоқда. Булар ахборот технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланадиган ташкилотлардир.

Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тўғрисида низом (15.08.2017 йилдаги 63-сон ВМҚга 2-илова) билан Инновация маркази резидентларининг мажбуриятлари белгиланди. Улар қаторида **молия-хўжалик фаолиятининг мажбурий аудити ҳам бор, аудит ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июлига қадар ўтказилиши лозим.**

Аудиторлик ҳулосасида олинган тушум ва юридик шахс томонидан амалга оширилган фаолият Низомда назарда тутилган фаолият турларига мувофиқлиги ҳақидаги ҳулосалар келтирилиши керак.

Аудиторлик ҳулосасининг нусхаси Инновация маркази Дирекциясига юборилади.

Ўз ахборотимиз.

Йирик корхонада иккита бош бухгалтер ишлаши ва иккаласи молиявий ҳужжатларни имзолош ҳуқуқига эга бўлиши мумкинми?
Н.Мамажонов, кадрлар бўлими бошлиғи.

Бош бухгалтер битта бўлиши керак

– Бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисобини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбаридир («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси).

Ушбу ҳуқуқий нормадан келиб чиқилса, корхонада битта бош бухгалтер бўлиши шарт. Ўхшаш вазифаларни бажарадиган бошқа ходим бош бухгалтер ўринбосари, молия бўлими раҳбари, молиявий директор ва ҳ.к. лавозимларга қабул қилиниши мумкин.

Бош бухгалтер ишдан бўшамоқчи (ўз хоҳишига кўра, томонларнинг келишувига кўра, иш берувчининг ташаббуси билан) бўлиши ҳам мумкин. Бунда у ишларни бошқа шахсга топшириши керак. Бу ҳолда ишларни қабул қилиш-топириш учун бошқа номзодни бош бухгалтер лавозимига қабул қилиш мумкин.

Шу тариқа, корхонада муайян даврда иккита бош бухгалтер ишлайди.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ишларни бевосита корхона раҳбарига топшириш мумкин, сабаби у бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 11-моддаси).

Қонунга кўра пул, товар-моддий бойликларни ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек молиявий ва бошқа ҳисоботлар корхонанинг раҳбари томонидан (ёки у белгиладиган шахслар томонидан) имзоланади.

У имзолош ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг 2 та рўйхатини ҳам тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга бухгалтерия ҳисоби субъектида раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига эса, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради (Қонуннинг 13-моддаси).

Қонунчиликда корхонада (айниқса йирик корхонада) бухгалтерия ва молия ҳисобини юритиши мумкин бўлган шахслар сони чекланмайди. Шу сабабли бош бухгалтер билан бир қаторда бошқа ходимлар ҳам молиявий ҳужжатларни имзолош ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Одатда, уларга бош бухгалтер ўринбосари, молиявий директор ва (ёки) раҳбар томонидан бунга ваколат берилган корхонанинг бошқа ходимлари киради.

Зарар кўрганлар лицензиядан маҳрум қилинмайди

Улгуржи савдо корхонаси 2 йилдан буён зарар кўриб ишлаётган бўлса, ўз лицензиясини йўқотадими?

Н.Иванова, бош бухгалтер.



– Йўқ, корхоналар зарар кўриб ишлаётганда лицензиянинг амал қилиши тугатилмайди. Унинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

➤ корхона лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

➤ юридик шахс тугатилганда (туғатилган пайтдан эътиборан);

➤ юридик шахс қайта ташкил этилганда – қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан (бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда фаолиятнинг айна бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно);

➤ корхона лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир мартаба қўпол равишда бузганда;

➤ корхона лицензиянинг амал қили-

шини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни лицензияловчи орган ёки суд белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

➤ лицензияловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга ҳилофлиги аниқланганда;

➤ лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси).

Лицензия қуйидаги ҳолларда **бекор қилиниши** мумкин:

➤ корхона лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

➤ лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда (Қонуннинг 24-моддаси).

Шу тариқа, корхонанинг зарар кўриб ишлаши улгуржи савдога лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш ёки тугатиш учун асос ҳисобланмайди.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Кичкинтой учун прописка

Ёш оила (никоҳи расман расмийлаштирилган) хотинниқиди яшайди (унинг онаси ва синглиси билан). Эри ўз ота-онасининг уйида пропискадан ўтган. Ҳамма Тошкентда прописка қилинган. Фарзанд тугилди. Уни отаси пропискадан ўтган жойда пропискадан ўтказса бўладими? Буни қандай шартлар билан амалга ошириш мумкин?

Алёна. Тошкент ш.

– Болани отаси пропискадан ўтган жойда (ўз ота-онасининг уйида) пропискадан ўтказиш мумкин, сабаби қариндошлар ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига прописка қилинишлари керак (Оила кодексининг 57-моддаси).



Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар:

- ота-она – фарзандларининг;
- фарзандлар – ота-оналарининг;
- бобо ва бувилар – невараларининг;
- неваралар – бобо ва бувиларининг уй-жой майдонига прописка қилинади («Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 2-банди; АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқноманинг 5-банди).

Фақат суд орқали

5 йил аввал йўқолган қариндошимни қандай қилиб квартирадаги пропискадан чиқаришим мумкин? Уни топишнинг иложи йўқ. У ўз квартирасини бизга сотган, бироқ унга биргаликда эгалик қилади. ТИИБда қидирув учун ариза бермаганмиз.

Н.Замирова. Тошкент ш.

– Фуқаролар суднинг уй-жой майдонига бўлган ҳуқуқдан маҳрум этиш, шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бўйича, нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича, ички ишлар органларининг сўровига кўра, маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги прокурор санкцияси билан пропискадан чиқарилади (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқноманинг 48-банди).



Шу тариқа, квартирада прописка қилинган ва унга биргаликда эгалик қилувчи қариндошингиз 5 йилдан бери бедарак йўқолган бўлса, уни даъво аризангиз асосида фақат суд тартибидида пропискадан чиқариш мумкин.

Мурожаатингизга қараганда, қариндошингиз квартирада пропискадан ўтмаган. Уни сизга сотган, бироқ биргаликда эгалик қилаверган. Бу ҳолда ҳам яшаш жойингиздаги судга фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишингиз зарур.

Суд аризани у келиб тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқади (ФПКнинг 192-моддаси).

Аризада сиз қандай мақсадлар учун фуқарони бедарак йўқолган деб топишни талаб қилаётганингизни кўрсатинг ва фуқаронинг бедарак йўқолганини тасдиқлайдиган ҳолатларни баён қилинг.

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлашда бедарак йўқолган шахс тўғрисида кимлар (қариндош-уруғлари, бирга ишловчилар ва бошқалар) маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек бедарак йўқолганнинг маълум бўлган сўнги яшаш жойи ва иш жойидаги тегишли ташкилотлардан (ички ишлар органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан) бедарак йўқолган шахс тўғрисида бор маълумотларни сўраб олади (ФПКнинг 30-боби).

Ҳужжатлар йўқолганда


Мен ворисман, бироқ ота-онамнинг (ярим йил аввал вафот этишган) уларга тегишли бўлган квартираларида уй дафтарларини топмадим. Айтишларича, улар паспорт столида ҳам йўқ эмис.

Уй дафтарлари йўқолган бўлса, уларнинг нусхаларини қаердан топиш мумкин? Пропискालар тарихини қандай қилиб топса бўлади, улар қаерда сақланиши (кўчириб ёзилиши) мумкин?

А.Гудовин. Тошкент ш.

– Фуқароларга шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган уйларда прописка уй дафтарлари асосида расмийлаштирилади.

Уй дафтарларини паспорт иши юритилиши учун ваколатли шахслар, шунингдек шахсий мулк ҳуқуқида уйларга эга бўлган, уларни сақловчи фуқаролар юритадилар.



Уй дафтарлари қуйидаги мақсадлар учун тақдим этилади:

➢ фуқароларнинг прописка қилиниши ва пропискадан чиқарилишини расмийлаштириш учун – ички ишлар органларига ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига;

➢ ҳарбий ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш учун – мудофаа ишлари бўлимларига.

Уй дафтарларига фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар паспортларга ёхуд прописка қилиш учун тақдим этилган бошқа ҳужжатларга мувофиқ манзилга келиш варақалари ва улар бўйича статистик ҳисобга олиш талонларини тўлдирган ҳолда киритилади (Тартиб, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқноманинг 48-бандига 27-илова).

Агар уй дафтарларининг нусхалари сақланмаган бўлса, уй дафтарлари тиклаб бўлмайдиган равишда йўқолган деб ҳисобланг, сабаби норматив

ҳужжатларда уларни архив ҳужжатлари сифатида сақлаш назарда тутилмаган. Маҳалла қўмиталари ва қишлоқ жойлардаги қишлоқ кенгашлари ходимлари аҳоли пункти ҳисобини юритадиган катта уй дафтарлари бундан мустасно бўлиши мумкин.

Ота-онангиз уйларда шахсий мулк ҳуқуқида яшган бўлсалар, яшаш жойидаги паспорт столига уй дафтарларини тиклаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишингиз лозим.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) ва ётоқхоналарда фуқаролар прописка карточкалари (4-сон шакл) ва квартира карточкалари (5-сон шакл) асосида прописка қилинади. Уларни паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул шахслар ёки паспорт ишини юритиш ваколати берилган шахслар юритади. 4-сон шаклдаги карточкалар ХУМШда паспорт ишини юритиш ваколати берилган шахсларда сақланади. Улар яшаш ёки вақтинча яшаш учун келган фуқаролар, шунингдек ота-онасисиз келган 16 ёшга тўлмаган болалар учун тузилади.

Қвартира карточкалари квартира ҳақи ва коммунал хизматлар ҳисоб-китоблари бўйича молиявий шахсий счёти асосида ҳар бир оила учун юритилади. Улар прописка карточкалари билан бир вақтда тўлдирилади. Квартира карточкаларига ота-онаси билан бирга ёки уларсиз келган 16 ёшга бўлган болалар ҳақидаги, шунингдек ушбу оила эгаллаган уй-жой майдонида доимий ёки вақтинча прописка қилинадиган бошқа фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида сатрда қайд этилади. Тугилган болалар тўғрисидаги маълумотлар тугилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки ота-онасининг паспортларидаги ёзувлар асосида ота-онасидан бирининг пропискиа карточкасига, шунингдек квартира карточкасига киритилади.

Қвартираларда уй дафтарининг мавжуд бўлиши мажбурий эмас, сабаби оила прописка қилинганлиги тўғрисида карточкалардаги белгиларнинг ўзи етарли ҳисобланади. Юзага келган муаммони ҳал этиш мақсадида ХУМШда паспорт ишини юритиш ваколати берилган шахсга мурожаат қилишингиз зарур.

Уй дафтарлари асосан хусусий уйларда юритилиши ва эгаларида сақланишига қарамай, квартираларда яшовчи кўпгина фуқаролар ҳан ўзларига тегишли уй-жой майдонига уларнинг хабарисиз оқонуний прописка қилиш ҳолатларидан ҳимояланишни кўзлаб уй дафтарларини юритадилар.

Ўзбекистонда туғилган бўлса

Агар мен Қозоғистон фуқароси, турмуш ўртоғим эса Ўзбекистон фуқароси бўлса, Тошкентда туғилган ўғлим Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини оладими?

А.Еркен.

– Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганда, агар бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса, **Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади** («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).



Фарзандингиз 16 ёшга тўлганда яшаш жойидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини олиши керак.

Ишга пропискасиз?

Ўзбекистон фуқароси Қашқадарёда яшайди ва прописка қилинган.

Уни Тошкент вилояти Янгийул туманида ишга қабул қилиш мумкинми?

М.Кучбергенова, КБ инспектори.

— Бошқа шахарлик шахсларни Тошкент вилоятида ишга қабул қилиш учун улар Тошкент вилоятига келган кунидан бошлаб 5 кун муддатда вақтинча турган жойдаги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида ҳисобда туришлари зарур (Низом, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова).

Бошқа шахарлик фуқароларни Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш уни доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан 5 кундан 6 ойгача муддатга амалга оширилади. Бироқ бу далил Тошкент шаҳрида ва



Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди.

Ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддати-дан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Ишга қираётган шахс вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган бўлса, ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин (МК-нинг 80-моддаси). Бунда ушбу норманинг ижроси МЖТКнинг 223-моддаси бўйича маъмурий жазо билан мустаҳкамланади.

Маълумот учун! Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек ушбу тақиқни бузганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилиниши назарда тутилган. Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек уни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Меҳнат кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейин амал қилмай қўяди, сабаби кодекслар қонуности ҳужжатлардан юқорироқ юридик кучга эга ҳисобланади.

Ноёб мутахассис

Вилоят (Олмалиқ ш.) пропискасига эга бўлган корхона ходимаси хизмат (сотиш бўлими) заруратида кўра Тошкентда турибди. Вояга етмаган ўгли билан бирга хизмат уйида (Тошкент шаҳридаги корхонага тегишли квартирада) яшайпти. Тутилгандан буён доимий пропискага эга бўлган Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро билан бир ярим йил аввал турмуш қурди (никоҳи қайд этилган).

Ходима вояга етмаган ўгли билан бирга ушбу квартирада пропискадан ўтиши мумкинми?

М.Махмудова, КБ инспектори. Тошкент ш.

— Давлат ҳокимияти органларига, давлат ва ҳў-жалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилиниши лозим («Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»-га Қонун).

Бунинг учун Тошкент шаҳар ТШИБнинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- ариза;
- паспорт;
- турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);



➢ никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➢ давлат ташкилоти раҳбарининг ишга тақлиф этилаётган фуқаронинг ишончлилиги кафолати билан биргаликда илтимосномаси, шунингдек лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан қўчирма;

➢ давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

Шу тариқа, Олмалиқ фуқароси давлат ташкилотида ишласа ва хизмат уйида яшаса, у ўз раҳбарига прописка қилиш тўғрисида илтимоснома расмийлаштиришини сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Сўнгра хизмат квартираси жойлашган жойдаги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш зарур.

Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилгандан кейин уни корхона берган хизмат квартирасида вояга етмаган фарзанди билан доимий прописка қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Паспорт режими бекор қилинган эмас

Корхонамиздаги айрим ходимлар Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинмаган, турган жойи бўйича ҳисобда туриш муддати ўтиб кетган.

Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармонида мувофиқ вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинди. Яъни иш берувчи ходимнинг вақтинча пропискасини текширмасликка ва талаб қилмасликка ҳақли.

1. Ишга қабул қилиш чоғида вақтинча рўйхатдан ўтган, бироқ бугунги кунга келиб унинг муддатини ўтказиб юборган (номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузилган) ходимларга ушбу Фармон татбиқ этиладими?

2. Тошкент шаҳрида турган жойи бўйича ҳисобда турмаган, республикамизнинг бошқа вилоятларида прописка қилинган шахсларни ишга қабул қилишга ҳақлимизми?

3. Ходим турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмай туриб Тошкент шаҳрида ишласа ва яшаса, унда жавобгарлик юзага келадики?

Т.Демидова, бош бухгалтер.

1 Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ ва бунинг учун жавобгарлик бекор қилинди. Фармон янги ходимларнинг ишга қабул қилинишига ҳам, вақтинча прописка муддати ўтиб кетган ходимларга ҳам татбиқ этилади.

2 Фармонга мувофиқ энди иш берувчи ходимларнинг пропискасини текширмасдан ишга қабул қилиши мумкин. Бироқ МЖТКнинг 223-2-моддасига ўзгартиришлар киритилгунга қадар бунинг учун жавобгарликка тортилиш ҳавфи сақланади. Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага 2 ой муддатда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш топширилган. Ўзгартиришлар киритилгандан кейин МЖТКнинг ушбу моддаси бекор қилинади.



3 Иш берувчи пропискани назорат қилишга мажбур эмаслигига қарамай, фуқаронинг ўзи паспорт режимига риоя этиши шарт. У вақтинча ёки доимий пропискага эга бўлмаса ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаса, унга ЭКИХнинг 1/2 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солинади (МЖТКнинг 223-моддаси). Тошкент ва Тошкент вилоятига 5 кундан ортиқ муддатга келувчи барча фуқаролар ҳисобда туриши лозим.

Саодат Усмонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ўзгартиришлар қачон киритилади

Мен Навоий вилоятининг Кармана шаҳриданман. Тошкент шаҳрида янги қурилган уйда квартира сотиб олдим. Ушбу қийматдан 5% давлат божи тўладим, нотариал идорада квартирани менинг номимга расмийлаштирилди.

Нотариал расмийлаштирилган шартнома асосида Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлишим мумкинми? Паспорт столидагилар ҳали тегишли қонун чиқарганлигини рўқач қилиб, менга рад жавоби бердилар.

А.Рустамхўжаева. Навоий вилояти.

— Сизнинг ҳолатда кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари ҳаққилар. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган жисмоний шахслар пойтахт ва пойтахт вилоятида қиймати ЭКИХнинг

ган амал қилиш муддати ҳали ўтмаган бўлса, фақат унинг эгаси Ўзбекистонга, шу жумладан учинчи давлатлар ҳудудлари орқали транзит қайтиши учун ўтиш ҳужжати сифатида қўлланилиши мумкин.

Бу ҳақдаги ахборот хорижий давлатлар эътиборига етказилган.

Ушбу тартиб 2018 йил 1 июлгача амал қилади.

Ўзбекистондан чиқиш учун ЎЗР фуқаролари биометрик паспортга эга бўлишлари зарур (ЎЗР ТИВнинг mfa.uz расмий сайти хабару).

Фақат Ўзбекистон фуқаролари учун

Турмуш ўртоғимнинг ёши 30 да, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланади. ЎЗР ҳудудида бўлган вақт мобайнида (1997 йилдан бери) ҳарбий комиссариатга қақирилмаган.

Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳарбий билет олиш ҳуқуқига эгами, бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Нозимова. Тошкент ш.

— Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (Конституциянинг 52-моддаси; «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун; ВМнинг 11.03.2003 йилдаги 128-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Ўзбекистон Республикаси фуқаросига:

- мuddатли ҳарбий хизматга қақирилганда;
- ҳарбий ўқув юртига ўқишга кирганда;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳирасига ўтказилганда;
- саломатлигига кўра ҳарбий ҳисобдан чиқарилганда ҳарбий гувоҳнома **берилади** (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 15.02.2002 йилдаги 55-сон қарорига 6-илова).

Шу тариқа, фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий гувоҳнома олиши назарда тутилган.

Ҳокимлик илтимосномаси асосида

1. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат органлари рўйхатига кирадимиз?

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги компания директорининг илтимосига кўра доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома кирита оладими?

П.Ходиров.

1 Йўқ, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига (ВМнинг 7.10.2016 йилдаги 336-сон қарорига 1-илова) кирмайди.

2 Ҳа, Тошкент вилояти ҳокимлиги компаниянинг Тошкент шаҳридаги ходимларини доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритишга ҳақли, сабаби юқорида тилга олинган Рўйхатга киради.

Давлат ҳокимияти органларига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга прописка қилинади («Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 11-банди).

Илтимоснома бўлса, Тошкент шаҳар паспорт бўлимига қуйдаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- ариза;
- паспорт;
- ҳарбий ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

➢ турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➢ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

➢ никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг, шунингдек васийлик (ҳомийлик)ни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➢ давлат ҳокимияти органи раҳбарининг илтимосномаси, шунингдек лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан кўчирма;

➢ давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 15-банди).

2 500 бараваридан кам бўлмаган янги қурилган кўчмас мол-мулкни ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга оширган ҳолда сотиб олганда кўчмас мол-мулкнинг олди-сотди битимлари нотариал тасдиқланганидан ва давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уларни прописка қилиш тартиби ҳозирча акс эттирилмади (ВМнинг 19.07.2017 йилдаги 527-сон қарори билан тасдиқланган, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илованинг 9-2-банди).

Юқорида кўрсатилган ҳужжатга ўзгартиришлар киритилишини кутишингизга тўғри келади.

Муддатида қайтса

Қариндошим Қозғистонда яшаяпти, паспортини алмаштириш учун Ўзбекистонга келмаяпти.

Эски намунадаги паспортни янги, биометрик паспортга алмаштиришнинг сўнги муддати қайси пайт этиб белгиланган?

Козимов. Тошкент ш.

— ЎЗР ваколатли органларининг қарорига кўра биометрик намунада бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, агар унда кўрсатил-

Санжар Хўжаҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳўқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирова
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ буйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш буйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муросалат қилиш мумкин.

Газета нотири — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўроз бичими — А3. Ҳажми — 2 бося табб. Баҳоси келиштирилган нархда.
Буюртма 159. Адади 935. Газета 2018 йил 28 март соат 17.00 да топиширилади.